

ISSN:3060-4567 Modern education and development
ШАҲАР МАГИСТРАЛЛАРИ ҲУДУДЛАРИНИ ҲАМДА
ШАҲАР МАРКАЗИНИ ЛАНДШАФТ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА
ТРАНСПОРТ ТАЪМИНОТИ.

Баходир Шарипов

*Термиз давлат муҳандислик ва
агротехнологиялар университети ўқитувчиси*

Айюб Холбоев

Термиз шаҳар 11-мактаб ўқувчиси

Аннотация: *Шаҳар марказини ландшафт ташкил этиш. Шаҳар маркази магистраллари яқинидаги ҳудудларни ландшафт ташкил этиш. Tashqi transport oqimi. Шаҳар марказини оммавий йўловчи транспорти билан таъминлаш. Савдо ва спорт комплексларини транспорт билан таъминлаш. Темир йўллар юқларининг ҳажми, поездлар сони ва йўлларнинг аҳамияти. Аеровокзал-йўловчиларга хизмат кўрсатиш мажмуаси.*

Калит сўзлар: *оммавий, транспорт, йўловчи, шаҳар, туман, ландшафт, ҳудуд, кўкаламзорлаштириш, мажмуа, ориентация, магистрал, марказ, транзит, оқим, автомобил, темир йўл, вокзал, порт.*

Шаҳар марказларининг магистраллари яқинидаги ҳудудларни ландшафт ташкил этиш. Шаҳар марказларининг магистраллари яқинидаги ҳудудларни пиёдалар учун ажратилган очик майдонлар орасидаги кўк химоя минтақаларини кўзда тутиш зарур. Магистрални ландшафт ташкил этиш унинг энига ва транспортнинг ҳаракатланиш жадаллигига боғлиқ. Марказдаги магистрал яқинидаги ҳудудлардан фойдаланиш тавсифига уларни кўкаламзорлаштириш мақсадлари ва услубларига боғлиқ бўлади.



Иссиқ иқлимли туманларда микро муҳитли ва санитария гигиеник режимни оптималлаштириш учун кўкаламзорлаштиришни ва ландшафт элементларини режали ва фазовий ташкил этиш тамойилларига амал қилиш зарур. Бунда магистрални мўлжаллашни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Магистрални меридионал ориентациялашда – қурилишдан жануб томондан, сояда қоладиган, майдонларнинг очик қоладиганларга қараганда нисбати камида 60:40 % ни ташкил этиши керак.

Кенгликни ориентациялашда – 70:30 % нисбатда бўлиши мақсадга мувофиқ. Аралаш, диагонал ориентацияда – 50:50 % нисбатда бўлиш керак.

Йўлларнинг кенг очик фазоларида магистралнинг бош ўқида булварлар кўзда тутилиши керак, у ерда худуднинг айрим участкаларидан фойдаланиш тавсифига кўра функционал зоналашни ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Принципиал ва лойиҳа моделларида жанубий ва ғарбий ориентатсияда сояланишни талаб қилувчи зоналар акс эттирилган. Бунда

очиқ ва сояланувчи майдонларнинг умумий нисбати кун мобайнида худудлардан жадал фойдаланишда инсолирланган ва соялаштирилган фазоларнинг 50x50 % нисбати катталигига мос бўлиши керак. Лойиҳа моделлари шунингдек айтиб ўтилган нисбатларни ва юқори ўсимликлар ландшафтнинг бошқа элементларига ва очиқ фазоларига нисбатан режали жойлаштиришни акс эттиради.

Ташқи транспорт қисми тез ривожланиб бораётган жаҳон транспорти мураккаб ва ўзига хос тармоқлар тизимини ташкил қилади.

Ҳаво транспорти, - самолёт, вертолёт, қуруқлик транспорти - темир йўл, автомобил, қувур, сув транспорти - денгиз ва дарё киради.





Марказни транспорт билан таъминлаш. Шаҳарнинг марказий туманида кўпгина муассасалар: Савдо ташкилотлари маъмурий бинолар ва бошқа оммавий ташриф объектлари жойлаштирилади. Шунинг учун шаҳарнинг марказига қатнов, шаҳарнинг бошқа раёнларига қараганда юқори бўлади.

Марказни транспорт билан таъминлаш: -шаҳар магистраллари тизими шаҳар марказидан транспорт транзит оқимларини четга олиш лозим; -оммавий йўловчи транспорти тармоқлари бошқа туманларга қараганда юқори бўлиши лозим; -марказий қисм автомобил тўхташ жойлари билан таъминланиши зарур.

Тўхташ жойларидан керакли жойгача оммавий йўловчи транспортда борилади. Шаҳарнинг барча раёнларидан марказгача оммавий йўловчи транспортда бориш 30-45 минутдан ошмаслиги лозим. Оммавий қатнов объектлари транспорт билан таъминланиши зарур.



Маъмурий, савдо ва спорт комплексларини транспорт билан таъминлаш. Улар асосий магистралларда жошлаштирилиши, зарур мажмуалардан транспортларгача қулай пиёда йўллари бўлиши лозим. Тўхташ жойлари 300 м дан ошмаслиги керак. Савдо ташкилотлари учун алоҳида кириш, товарни олиб келиш ва тушириш майдончалари, платформалар, ер остки майдончалар жойлаштирилади.

Келувчиларни бир неча чиқиш жойларига ёйиш зарур, бундай ҳолларда ички транспортдан фойдаланилади. Меҳмонхоналар марказ билан яқин боғланиши керак. Тўхташ жойлари келиб кетувчилар учун алоҳида, хизматчилар ва хўжалик эҳтиёжлар учун алоҳида берилди. Шаҳарнинг марказий қисмида шаҳарнинг пассажирлар оқими ва қимматли ерлари энг кўп тўпланган марказий қисмдаги вокзал, порт, бозорларда тўхташ жойларига алоҳида эътибор бериш керак.

Ҳаво транспорти. Аэропортлар пассажирларни ташиш сонига ва учишнинг интенсивлигига асосан 5 та техник категорияга бўлинади.

-Бир кунда 100 тадан ортиқ учиш ёки бир йилда 4 миллиондан ортиқ йўловчи ташилса -синфдан ташқари аэропорт.

-Бир кунда 50-100 мартаба учиш ва йилига 2-4 миллион йўловчи бўлса -1 синф аэропорти.



Аэропорт мажмуасига қуйидагилар киради: Аэродром-самолётлар учиш ва қўниш майдони; Аэровокзал-йўловчиларга хизмат кўрсатиш мажмуаси; учишни ташкил қилишда техник хизмат ва самолётларга хизмат кўрсатиш. Аэродром-учиш майдони, учиш ва қўниш йўлаги (1-5 км), қайрилиш йўлаклари, самолётлар тўхташ жойлари. ВПП (УҚМ) сони: синфдан ташқари 2та асосий, 1та ёрдамчи, қолганлари 1 та асосий, 1 та ёрдамчи.

Аэродромлар аҳоли пунктларидан ташқарида жойлаштирилади, синфдан ташқарилари уларнинг чегарасидан камида 30 км. Санитар ҳимоя чизиқлари қурилмаларигача – 5 км, уйларгача 30 км. Шаҳар томонга учиш ва қўниш бўлмаслиги керак, учиш ва қўниш йўналишлари бўйича коридорлар ҳар бир томондан 2 км, узунлиги 30 км. Ушбу коридорга тўғри келиб қолган қурилмалар махсус қоидага бўйсунди. (400м гача ҳар қандай қурилиш ман этилади, уларнинг баландлиги чегараланади) аэропортларни жойлашувидаги асосий вазифани аҳолини шовқиндан ва ноқулай таъсирлардан ҳимоялаш ва вақтни тежаш. Вертолётлар билан ташиш қиммат, шовқин-сурони кўп, алоҳида майдон ажратилиши лозим бўлгани учун кўп тарқалмаган.



Темир йўл транспорти. Темир йўллар юкларининг ҳажми, поездлар сони ва йўлларнинг аҳамиятига қараб 4 категорияга бўлинади. Ҳисобий тезлик 120 дан 500 км/соатгача. Ажратиш йўлаги темир йўл ёқаси бўйлаб эни 50 м бўлган, бошқа ташкилотлар жойлашиши мумкин бўлмаган йўлақлар кўкаламзорлаштирилади ёки транспорт иншоотлари учун фойдаланилади.

Темир йўл станциялари: Разъездлар (йўллар сони 1-2);

Саралаш станциялари-узунлиги 5,5 км, эни 0,9 км;

Юк ташувчи (омборлар, келиш йўллари, юклаш қурилмалари);

Йўловчи; Саноат (вагонларни ҳар бир корхонага алоҳида бўлиш);

Техник станцияларнинг оралиғи 30 км дан кам.



Қоидага асосан бевосита шаҳарга юк ташиш билан боғлиқ бўлмаган барча станциялар шаҳар ташқарисида жойлаштирилади. Транзит юк оқими олиб ўтилиши учун айланма йўллар қурилади. Юк станциялари турар-жой қурилмаларидан четроқ жойлашади. Йўловчи станциялар ва тўхташ пунктлари оммавий йўловчи транспорти тармоғи билан боғланиши лозим.

Бу саволлар шаҳар бош тархида ҳал қилинади.

Автомобил йўллари. Ташқи йўлларнинг муҳимлиги доим юқори бўлган. Автомобил пайдо бўлиши билан йўллар биринчи даражали аҳамият касб этдилар. Автомобилнинг конструкция ва эксплуатация шароитларидан келиб чиқиб, йўл элементларининг техник ҳолатига бўлган талаб пайдо бўлди. Ҳозирги пайтда юқори техник категорияли йўллар мураккаб иншоотлар қаторида саналади. Аҳоли яшаш пунктларини автомобил йўллари кесиб ўтиши. Ҳозирги вақтда автомобил йўллари аҳоли яшаш пунктларидан ўтаётиб, транспорт оқимларини ўтказа олмаётган кўчаларга айланмоқда.

1 ва 2 категорияларида автомобил йўллари қурилмалар бўлмаган жойдагина ўтказилиши мумкин, қурилмалар фақат бир томонлама ҳаракат

қисми четидан камида 200 м узокликда бўлиши мумкин. Йўл ва қурилмалар орасидаги йўлак қишлоқ хўжалик техник экинларини экишга ишлатилади.

Автомобил йўлларнинг шаҳарга ёндошиши мумкин бўлган схемалар:

-автомобил йўли айланма йўлга ёндошади;

-автомобил йўли шаҳар ичига киритилади ва марказ ядросига уринма қилиб ўтказилади. Бундай ҳолда у тўхтовсиз ҳаракатдаги магистрал кўчалар меъёрлари бўйича қурилади.

Автомобил йўллар шаҳар ташқи қисмидан ўтказилади ва у билан 2 та йўл орқали бирлаштирилади. Ёндошув схемалар аҳоли пункти катталиги, ҳаракат интенсивлиги ва транзит катталигига боғлиқ. Техник хизмат кўрсатиш станциялари, бензин колонкалари шаҳарнинг чекка қисмларида жойлаштирилади, автовокзаллар шаҳар йўловчи транспортлари билан яхши таъминланиши лозим.

Хулоса. Шаҳар марказини ландшафт ташкил этиш. Шаҳар маркази магистраллари яқинидаги ҳудудларни ландшафт ташкил этиш. Ташқи транспорт оқими. Жамиятда урбанизатсия даражасининг ўсиши, янги шаҳарлар барпо этилиши, мавжуд ҳамда тарихий шаҳарлар реконструкцияси, ички ва ташқи туризмни ривожлантириш масалаларини ҳал этиш борасида, иқлим ўзгариши ва руҳий ва жисмоний саломатлик муаммоларини бартараф этиш борасида курашишда давом этар экан, Шаҳар марказини ва ташқарисини оммавий йўловчи транспорти ҳамда юк транспорти билан таъминлаш ва тартибга солиш, ушбу муаммолар билан курашиш учун асосий ўринда туради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Uralov A.S, Adilova L.A. "Landshaft arxitekturasi", 295-bet. 2014.
2. Д.У. Исамухамедова, М.К. Ахмедов, М.А. Галипов, К.Д. Саттарова. "Шаҳарсо злик ва ландшафт архитектураси" I Қисм 178бет 2019.
3. D.U. Isamuhamedova, M.K. Mirzayev "Zamonaviy shaharsozlik nazariyasi" 131бет TAQI-2015

4. Л.А.Адилова. “Ландшафт архитектурасининг назарияси” 161бет. ТАҚИ-2015
5. Хасиева С.А.Архитектура городской среды: Москва Стройиздат 200 ст. 2001
6. Э.Б.Эшкuvatов, Б.Х.Шарипов [“Аэродромларни лойихалаш, куриш ва эксплуатация қилиш”](#) "Innovatsiya-Ziyo" 432 бет. 2023.
7. Шарипов Б.Х. (2020). Из истории древнего градостроительства и архитектуры средней азии. Экономика и социум, (10 (77)), 915-919.
<https://cyberleninka.ru/article/n/iz-istorii-drevnego-gradostroitelstva-i-arhitektury-sredney-azii>. <https://elibrary.ru/item.asp?id=44467836>
https://scholar.google.com/scholar?cluster=11134729525389988281&hl=ru&as_sdt=2005
8. Tulkinovich, A. E., & Kholboevich, S. B. (2021). In the network of roads application of the intelligent transport system. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 415-418. [Publisher Site](#) | [Google Scholar](#)
https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0%2C5&q=In+the+network+of+roads+application+of+the+intelligent+transport+system&btnG
9. **Shavkat Suyunovich Turaev** WAYS TO INCREASE THERMAL CHARACTERISTICS IN BUILDING CONSTRUCTION **Modern Scientific Research International Scientific Journal**
<https://academicsresearch.ru/index.php/MSRISJ/article/view/3538>
10. Theoretical research of the parameters of the biters that distribute feed to the grinding rotor. Shokir G‘apparov^{1*}, Shavkat Turaev², Erkin Eshkuvatov², Baxodir Sharipov², Anvar Choriyev², Sarvar Raximov³ and Akmal Sabirov⁴
https://www.bio-conferences.org/articles/bioconf/abs/2024/24/bioconf_aegisd-iv2024_05017/bioconf_aegisd-iv2024_05017.html
11. Жураев, С., & Беккамов, М. (2022). КЛАССИФИКАЦИЯ ВИСЯЧИХ МЕТАЛЛИЧЕСКИХ КОНСТРУКЦИЙ (ТРОСОВЫХ И МЕМБРАННЫХ) ПОКРЫТИЙ. O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA

12. Жураев, С., & Сатторов, К. (2023). Расчет Тросовых Висячих Покрытий В Пк Лира. *Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities*, 16, 119-123.

13. Жўраев, С. (2023). АЛИШЕР НАВОЙЎ ДАВРИ ИМОРАТЛАРИНИНГ АРХИТЕКТУРАСИ. О'ЗБЕКISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(16), 142-146.

14. Turayev, S., & Sanjar, J. (2023). ZILZILA VAQTIDA BINO VA ZAMIN GRUNTLARINING O'ZARO TA'SIRI. *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities*, 11(2), 410-414.

15. Sanjar, J. (2023). DEVELOPMENT OF CULTURE AND ENTERTAINMENT PARKS. *American Journal of Pedagogical and Educational Research*, 9, 49-52.

16. Жураев, С., & Тураев, Ш. (2023). ДВУХПОЯСНЫЕ ПРЕДВАРИТЕЛЬНО НАПРЯЖЕННЫЕ СИСТЕМЫ. ИЮДКОР О'QITUVCHИ, 3(29), 77-81.

17. Жураев, С., & Сатторов, К. (2023). ТЕРМИНОЛОГИЯ И КЛАССИФИКАЦИЯ ВИСЯЧИХ И ВАНТОВЫХ МОСТОВ. *Innovations in Technology and Science Education*, 2(9), 197-206.

18. Хурсандов, Э. Ў. (2024). ЭГИЛУВЧИ ЭЛЕМЕНТЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ВА УЛАРНИНГ АФЗАЛЛИКАРИ. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 47(5), 73-76.

19. Mamatmurod ogli J. S. et al. QURILISH BOSH PLANI, MATERIAL VA KONSTRUKSIYALARNI OMBORLARGA JOYLASHTIRISH //ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2024. – Т. 47. – №. 5. – С. 66-72.

20. Mamatmurod ogli J. S. et al. ASOS, PODEVORLAR VA ORAYOPMALARNI KUCHAYTIRISH VA ULARNING MONTAJ SAMARADORLIGINI OSHIRISH //ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2024. – Т. 47. – №. 5. – С. 54-59.

21. Abdurahmon og T. S. et al. EGILUVCHAN-QATTIQ VANTLAR BILAN MUSTAHKAMLANGAN KATTA ORALIQLI SILINDRSIMON MEMBRANALARNI HISOBLASH //JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH. – 2024. – T. 7. – №. 3. – C. 135-139.
